

КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Юлдашов М.

Бердибаев М.

Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ

Ривожланган мамлакатларда олиб борилаётган тадқиқотларнинг фикрига кўра “Глобаллашган компетентлик жамияти” юзага келмоқда. Бу эса глобал иқтисодиётни шунингдек, таълим тизими статусини кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Келгуси авлодга бошқа дунёда илмий-техника, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалар ниҳоятда ривожланган муҳитда яшаш шароитлари юзага келмоқда. Шунинг учун таълим мақсадлари ҳозирги тезкор ривожланаётган жамият талабларига максимал даражада яқинлаштирилиши, улар ушбу жамиятда яшаш механизмига айланиши, чақириқлар ва ишоралардан иборат бўлиб қолиши керак эмас. Шунинг учун таълим жараёни ҳаётий истиқболларни ўз мазмунида ифодалаш заруриятга айланиб қолди. Бу муаммони ҳал қилиш учун қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиш зарур:

- ўқитувчиларининг замонавий иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш борасидаги билим, кўникма ва малакаларининг реал амалиёт ўқувчиларга мос келмаётганлиги;

- ўқитувчиларининг ҳаётда зарур бўладиган компетенцияларини тўлиқ эгалланмаётганлиги;

- замонавий таълим мазмуни ва ўқитиш методларини тезкор эгаллаш қобилиятига эга бўлган малакали ўқитувчи кадрларнинг етарли эмаслиги.

Педагог фаолияти ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, у ўқитувчидан нафақат олий маълумотга, балки етарли касбий тайёргарлик йўналишида билим, кўникма ва малакаларга, шунингдек, маълум тажрибага эга бўлишини талаб этади. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчиларнинг энг асосий ва муҳим аҳамият касб этувчи функцияларини амалга ошириш жараёни бир қанча вазифаларнинг бажарилишини, яъни педагогик жараён субъектларига зарурий шарт-шароитларни яратиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан қуроллантириш каби қатор вазифаларни ҳам амалга оширишни назарда тутди. Бу ўз навбатида ўқитувчиларнинг касбий

компетентлигини ривожлантириш жараёнларига ижодий ёндашувни талаб қилмоқда.

Касбий компетенция қўйдагилари ўз ичига олади.

- Педагогика ва психологияга доир билимларга эга бўлиш;

- Ўз устида ишлаш;

- Таълим жараёнини режалаштириш, баҳолаш ва қайта алоқани ўрната олиш;

- Ўқувчилар эҳтиёжини англай олиши;

- Ўқувчиларда мотивацияни шакллантириш;

- АКТни билиши;

- Таълим муҳитига янгилик киритиши;

- Ўз фанини мукамал билиши;

- Хорижий тиллардан бирини билиши.

Касбий компетенцияни қўйдаги босқичлар орқали шаклланиш мумкин:

1. Ўз-ўзини таҳлил қилиш ва зарур нарсаларни англаш;

2. Ўзини ривожлантиришни режалаштириш мақсад, вазифа белгилаш;

3. Ўзини намоён этиш ва камчиликларини тuzатиш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўқитувчи ёшларни билимлар ва ижтимоий тажриба намуналари билан қуроллантиришда таянч фигура сифатида қолаверади. Шунинг учун таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлиги ва сифати ўқитувчининг профессионализмига бевосита боғлиқ деган хулосани айтиш мумкин. Ўқитувчига қўйиладиган компетентлик ҳақидаги аниқ тасаввурларни шакллантириш учун ўқитувчининг меҳнатини, унинг фаолияти самарадорлигини объектив баҳолаш ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини қайтадан кўриб чиқиш зарурияти мавжуд. Бу ерда асосий ўринни ўқитувчининг касбий педагогик компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш зарурияти эгаллайди.

ADABIYOTLAR:

1. Muslimov N.A., va boshqalar. Kasb ta'limi o'qituvchilarining kasbiy kompetentligini shakllantirish texnologiyasi. Monografiya.– “Fan va texnologiya” nashriyoti, T.: 2013- y

2. N.Muslimov, M.Usmonboyeva, D.Sayfurov, A.To'rayev - Pedagogik kompetentlik va kreativlik asoslari. Toshkent. “Sano-standart” 2015-y